**Лойиҳа-смета ва қидирув ишларини бажариш учун**

**36 - сонли ШАРТНОМА**

**Термиз ш.** **“21” 11 2022 йил**

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган **Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармаси бошлиғи Ж.Қиличев** орқали ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи **«YO’L LOYIHA BYUROSI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали** номидан ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи **О.Тоғаев, Сурхондарё вилояти автомобиль йўллари ҳудудий Бош бошқармасининг** 2022 йил 14-ноябрдаги сотиб олиш бўйича 183731-сонли тендир лоти бўйича харид комиссиясининг баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

1.1 **Музработ тумани "Орият" маҳалласи ҳудудидаги 4К 606 "Сассиқ кўл-Халқобод-4К-626 йўлига чиқиш " 3 км қисмини жорий таъмирлаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиб** топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил «26» 11 ойида тасдиқланган ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган топшириққа асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга тузилган.

1.4. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Ғазначилиги Сурхондарё вилояти бошқармасида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 75 кун муддатда тугатилади.

1.5. Ишчи лойиҳа соҳавий экспертизадан ўтказилган кун ишлар тугатилган деб ҳисобланади. Агарда соҳавий экспертиза хулосаси ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирилса, ишларни тугатиш муддати кечиктирилган кунга узайтирилган ҳисобланади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Ишларни амалга оширишнинг умумий баҳоси ҚҚС билан **8 340 000 (саккиз миллион уч юз қирқ минг)** сўмни ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ҳужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3.Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан ишлар мазкур шартноманинг 4.4. моддасида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг 5 (беш) банк кунида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, объект бўйича давлат экспертизаси томонидан якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг қолган маблағ учун топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2 Бажарувчи ишчи лойиҳани ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилади.

Объектнинг баҳосини жорий нархларда ҳисоблаб чиқиш учун Пудратчи (курувчи) тўғрисида керакли маълумотларни шартномада кўрсатилган ишларни бажариш муддатининг охирги кунидан камида 20 кун олдин Буюртмачи Бажарувчига тақдим этади. Агарда ушбу маълумот берилиши кечикса шартнома муддати ҳам ўшанча кунга узайтирилган деб ҳисобланади.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларига мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз ва камчиликлар билан бажарса ва сифатсиз бажарилган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фойдаланиш натижасида қўшимча (кўзда тутилмаган) ишлар ва харажатлар аниқланса, бажарувчи ушбу камчиликларни бартараф этиб, бир ҳафтадан ошмаган муддатда ўз мажбуриятларини талаб қилинган сифат даражасида қайтадан бажаради ва аниқланган қўшимча харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди, лекин, аниқланган қўшимча харажатларни қоплаш мазкур шартнома қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартнома муддати тугагандан сўнг бажарувчи томонидан расмийлаштирилиб, буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳужжатларнинг рўйхати топшириқда белгиланади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.4. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2. бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.5. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.7. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.8 Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 4. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Бажарувчига боғлиқ бўлмаган холатларда лойиҳанинг маълум қисмини ёки бирор лойиҳавий ечимни ваколатли органлар билан келиша олмаса, (махаллий ҳокимиятлар, архитектура қурилиш бошқармалари, Давлат ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, муҳандислик коммуникацияларининг эгалари ва х.к.) ишларни бажаришнинг охирги муддатидан камида 1 ой олдин Буюртмачини ёзма равишда асосланган ҳужжатлар билан хабардор қилади, Буюртмачи эса шартноманинг бажариш муддатини узайтириб беради.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз берилган томон олганидан кейин ____ (________) ой муддатни ташкил этилади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва Бажарувчи томондан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.7. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

| «Буюртмачи» | «Иш бажарувчи» |
|---|---|
| **Сурхондарё вилояти автомобиль йуллари худудий бош бошкармаси** | **YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали** |
| Манзил Термиз ш Олмазор -42 Тел. 22-1-26-35 | МАНЗИЛ: Термиз шахар Олмазор кўчаси 42-уй |
| Ш/х 3018 2186 0224 0170 4520 4118 298 | Тел: (0371) 237-38-55, 237-26-01 |
| Бюжетдан маблаг олувчи Стири 200473561 | Х\Р 2020 8000 8040 1094 1001 |
| ОКОНХ 97400 | ИНН: 300112785 |
| Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги | АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали |
| Газна х/в 23402000300100001010 | ОКОНХ 66000 МФО: 00959 |
| Банкнинг номи М Б Б Б Х К К М Тошкент | |
| МФО 00014 | |
| Газначилик булинмаси СТИРи 201122919 | |
| | |
| Бошлик ____________ Ж.Қиличев (имзо) | Бошлик ____________ Тоғаев О (имзо) |

Сурхондарё вилояти АЙХББ бош юрист консульти: Б.Шукуров

2022 йил "21" 11 даги
-сонли шартномага 1- илова

Шартнома баҳосини келишуви

Б А Ё Н Н О М А С И

Биз, қуйида имзо қўювчилар **Музработ тумани "Орият" махалласи худудидаги 4К 606 "Сассиқ кўл-Халқобод-4К-626 йўлига чиқиш " 3 км қисмини жорий таъмирлаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш** бўйича 2022 йил "21" 11 даги 86 -сонли шартнома баҳосини ҚҚС билан билан **8 340 000 (саккиз миллион уч юз қирқ минг)** сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб –китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

| «Буюртмачи» |
|---|
| **Сурхондарё вилояти автомобиль йуллари худудий бош бошкармаси** |
| Манзил Термиз ш Олмазор -42 Тел. 22-1-26-35 |
| Ш/х 3018 2186 0224 0170 4520 4118 298 |
| Бюжетдан маблаг олувчи Стири 200473561 |
| ОКОНХ 97400 |
| Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги |
| Газна х/в 23402000300100001010 |
| Банкнинг номи М Б Б Б Х К К М Тошкент |
| МФО 00014 |
| Газначилик булинмаси СТИРи 201122919 |
| Бошлик ________ (имзо) Ж.Қиличев |

| «Иш бажарувчи» |
|---|
| **YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали** |
| МАНЗИЛ: Термиз ш. Т. Сайидалиев кўчаси -1 |
| Тел: (0371) 237-38-55, 237-26-01 |
| Х\Р 2020 8000 8040 1094 1001 |
| ИНН: 300112785 |
| АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали |
| ОКОНХ 66000 МФО: 00959 |
| |
| |
| |
| Бошлик ________ (имзо) Тоғаев О |

2022 йил «21» 11 даги

№86-сонли шартномага 2-илова

# Музработ тумани "Орият" махалласи худудидаги 4К 606 "Сассиқ кўл-Халқобод-4К-626 йўлига чиқиш " 3 км қисмини жорий таъмирлаш ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиш

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сум хисобида

| Бажариладиган ишлар номи | қиймати | бажариш | | Молиялаштириш муддатлари | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | муддати | қиймати | 2022йил | 2022йил |
| Аванс тўлови | | | | 2 502 000 | |
| Лойиҳа-смета ишлари | 7 252 174 | 10 кун | 7 252 174 | | 4 750 174 |
| ҚҚС | 1 087 826 | | 1 087 826 | | 1 087 826 |
| Жами: | 8 340 000 | | 8 340 000 | 2 502 000 | 5 838 000 |

Буюртмачи: ________________ Бажарувчи: ________________

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 183731 на приобретение Услуга по проектно - изыскательной работе

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 19:36

Закупочная комиссия Viloyat Avtomobil yo`llari boshqarmasi, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TULYAYEV BAXTIYOR KUYLIYEVICH | Зам директор | Сурхондарё АЙХББ |
| **Секретарь комиссии** | TEMIROV KOMILJON MAMARAJABOVICH | Бош мутахассис | Сурхондарё АЙХББ |
| **Член комиссии** | DANIYAROV SHUXRAT TASHPULATOVICH | Бош мутахассис | Сурхондарё АЙББ |
| **Член комиссии** | XOLIYOROV XUSNIDDIN XUJAYOROVICH | Бош хисобчи | Сурхондарё АЙХБББ |
| **Член комиссии** | SHUKUROV BOBIR ZOKIR O‘G‘LI | Бош юрист консульт | Сурхондарё АЙХББ |
| **Член комиссии** | GULXAROV SUXROB SAFAR O‘G‘LI | Бош мутахассис | Сурхондарё АЙББ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 183731.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
| Подробное описание | Музработ тумани "Орият" махалласи худудидаги 4К 606 "Сассиқ кўл-Халқобод-4К-626 йўлига чиқиш " 3 км қисмини жорий таъмирлаш. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 8 400 000.00 |
| Стартовая сумма | 8 400 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувохнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгалиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартомалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрсида

кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №2  Лойихалаш корхонасида ишлаётган ишчилар

Тип: Бинарное значение

Описание: Соха бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар рахбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботига асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 20 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 8 400 000.00 | 8 340 000.00 UZS | 8 340 000.00 | 00.00 | 8 340 000.00 | 11.11.2022 19:03:12 | 20 |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 8 400 000.00 | 8 400 000.00 UZS | 8 400 000.00 | 00.00 | 8 400 000.00 | 14.11.2022 09:57:44 | 19.85714 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 80 | 20 | 100 |
| **TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ** | 60 | 19.85714 | 79.85714 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 183731 от 14.11.2022 года на приобретение Услуга по проектно - изыскательной работе определила победителем:

Yol-loyiha byurosi MCHJ
300112785

и резервный исполнитель: TERMIZ AVTOYO'L LOYIHA MCHJ (306454507)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TULYAYEV BAXTIYOR KUYLIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DANIYAROV SHUXRAT TASHPULATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOLIYOROV XUSNIDDIN XUJAYOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHUKUROV BOBIR ZOKIR O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | GULXAROV SUXROB SAFAR O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko’chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT “Турон” bank Tel-Fax: (376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH
Sana:14-11-2022 yil

## Yig'ma ekspert xulosasi № 72062

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati 4K-606 "Sassiq ko‘l -Xalqaobod-4K-626 avtoyo‘liga chiqish" avtomobil yo‘lining 0-19kmlar oralig‘ini (0.80)km joriy tamirlash ishchi loyihasi bo‘yicha »

**Buyurtmachi –** Surxondaryo avtomobil yo‘llari hududiy bosh boshqarmasi
**Bosh loyihachi** - "Yo‘l loyiha byurosi " MChJ
**Litsenziya** AL-001288 sonli, 2020 yil 20 iyul sanasida O‘zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi tomonidan berilgan
**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet mablaglari
**Bosh pudratchi** – Erkin tanlov savdolari asosida aniqlanadi
**Qurilish turi** Joriy ta’mirlash
**Murojaat raqami:** № 69588

### 1. Loyihalash uchun asos

1.1. O‘zbekiston Respublikasi Prizentining  2022 yil 25 oktyar sanasidagi PQ-408 sonli Qarori.

1.2. Buyurtmachi tomondan  2022 yilda tasdiqlangan loyiha topshirig‘i.

1.3. Surxondlaryo viloyati avtomobil yo‘llari hududiy bosh boshqarmasi va buyurtmachi tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, pudratchining boshqa xarajatlari narxlari kelishuv bayonnomasi.

### 2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Qurilishni tashkillashtirish loyihasi.

2.2. Yo‘llar rejalari.

2.3. Umumiy smeta hujjatlari.

2.4. Nuqsonlar dalolatnomasi.

### 3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Mazkur loyihada Surxondaryo viloyati 4K-606 "Sassiq ko‘l -Xalqaobod-4K-626 avtoyo‘liga chiqish" avtomobil yo‘lining 0-19kmlar oralig‘ini (0.80)km joriy tamirlash ko‘zda tutilgan.

Buyurtmachi va bosh loyihachi vakillaridan iborat komissiya a’zolari ishtirokida yo‘llarning texnik holati vizual ko‘rikdan o‘tqazilishi natijasida, bajariladigan ishlar hajmlari va yo’llarni joriy ta’mirlash uchun

qurilish materiallarini tashish masofalari belgilanib mahallalar ko‘chalari kesimida nuqsonllar dalolatnomalarsi tuzilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan.

Mazkur nuqsonlar dalolatnomalariga kiritilgan asosiy ish turlari:

- asfaltobeton qorishmasidan tekislovchi qatlamlar to‘shash;
- mayda donali issiq asfaltbetondan 50mm qalinlikda qoplamalar yotqizish;

QTL taqvimiy jadvaliga ko‘ra joriy  ta’mirlash davomiylik muddati 1 oyni tashkil qiladi.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

**6. Ekspertiza natijalari.**

*6.1.Ekspertizadan o‘tkazish jarayonida lokal ekspert xulosalar bo‘yicha aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida loyihachi tomonidan ishchi loyihaga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritildi, ulardan asosiysilari:*

- QShA  og‘irligiga aniqlik kiritildi,
- nuqsonlar dalolatnomasi asosida ayrim ish hajmlar qayta tekshirildi;
- resurs ko‘rsatkichlarining narxlari (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) narxlar bayonnomasi  asosan to‘g‘irlandi.

**6.2. Qurilish qiymati hisobi**

Taqdim etilgan loyihaga ko‘ra qurilish  qiymati QQS (qo‘shimcha qiymat solig‘i) bilan ***563 325,553 ming so‘m***ni tashkil qilgan bo‘lib, ekspertiza natijasiga ko‘ra ***639,182 ming so‘m*** miqdorida kamayib ***562 686,371 ming so‘m*** qiymatida belgilandi, shu jumladan:

- *qurilish montaj ishlari - 481 640,323 ming so‘m,*
- *qo‘shimcha qiymat solig‘i - 72 246,048 ming so‘m,*
- *buyurtmachining boshqa xarajatlari - 8 800,000 ming so‘m.*

Kamayishga ayrim ish turlari bo‘yicha hajmlariga va resurs ko‘rsatigichlari me'yorlariga, hamda qurilish materiallari narxlariga aniqlik kiritilganligi natijasida erishildi.

*6.3. Buyurtmachiga va bosh loyihachiga, qurilish boshlanishdan oldin:*

- buyurtmachining boshqa harajatlari miqdorini 4.01.16-19 sonli ShNQ talablariga asosan aniqlansin;
- nuqsonlar daloltnomasi tegishli MFYlari bilan kelishilsin.

6.4.”Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi” DUK Surxondaryo viloyati filiali nuqsonlar dalolatnomasiga kiritilgan ish hajmlari   to‘g‘riligiga ma'sul emas.

6.5. Buyurtmachi loyiha xujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579 sonli qarorining 7 ilovasiga muvofiq ekspertizadan o‘tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to‘liqligi,  ma’lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan  ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

**7. Xulosalar.**

7.1 Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda “Surxondaryo viloyati 4K-606 "Sassiq koʻl - Xalqaobod-4K-626 avtoyoʻliga chiqish" avtomobil yoʻlining 0-19kmlar oraligʻini (0.80)km joriy tamirlash” ishchi loyihasi qiymatini kelgusida koʻrib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

7.2. Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 iyuldagi 261 sonli Qaroriga va 04.01.16-09 sonli ShNQ koʻra, qurilishning tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos boʻla olmaydi va tanlov savdosining boshlangʻich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

**Bosh mutaxassis:** Soatmurodov Boxodir Allamurodovich